XALQ DEPUTATLARI MUBORAK TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

2019 йил 18 Декабрь 223/57-5 **-сон**

2020 йил учун Муборак тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Муборак туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Муборак туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилгиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

реализация қилишдан акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

в) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Муборак туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи гуруҳ ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишлилиги бўйича туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) қуйидаги харажатлар туман бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

– фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

- давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказларини сақлаш харажатлари.

4. 2020 йилги вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туманнинг туман маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман маҳаллий бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини олувчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2020 йил учун туманнинг бюджет даромадлар ва харажатлари

прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажмлари **729 млн 879 минг сўм** миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2020 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Туман бюджетининг 2020 йил учун захира жамғармаси миқдорлари 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармалари маблағларини туманнинг туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласинлар.

10. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишлилиги бўйича Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан, тегишли Кенгашлар қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

11. Туман ҳокими, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, туман ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

Туман ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

12.Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

14. Туман ҳокимлиги бюджетнинг қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

15. Тумандаги ташкилот ва идораларнинг туманда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича тузилган йўл харитасига ҳамда йиғилиш баёнларига асосан маҳаллий бюджетнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини тегишли туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

17. Муборак туман ҳокимлиги Ахборот хизмати Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш,

иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Муборак тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Нарзиев зиммасига юклатилсин.

19. Халқ депутатлари Муборак туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 166/44-5-сонли қарори 2020 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси **Ғ.Джавлиев**

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари _____ С.Нарзиев

Туман ҳокимлиги девонхона мудири _____ И.Некбоев

Туман ҳокимлиги юридик хизмати ходими _____ У.Ибрагимов

Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири _____ Б.Содиқов

Тайёрлади:

Б.Содиқов – туман ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи

_____

Тел:75-672-27-54

Халқ депутатлари
Муборак тумани Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрь даги
223/57-5 -сонли қарорига
1-илова

Қашқадарё вилояти Муборак туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	101,2
2	Истеъмол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	103,2
3	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	100,4
4	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб	101,4
5	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	101,9

Халқ депутатлари
Муборак туман Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрь даги
223/57-5 -сонли қарорига
2-илова

Қашқадарё вилоят Муборак туманининг маҳаллий бюджет даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**45 452 755,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	3 094 459,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	368 586,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
5	Акциз солиги, жами	7 096 579,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*7 096 579,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	10 147 846,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 894 675,0
8	Юридик шахслар ер солиғи	8 892 468,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 661 428,0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	106 336,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 509 662,0
12	Алкагол аксез солиғи (шу жумладан пиво)	4 393 000,0
13	Йиғимлар	1 787 716,0
14	Ижара тўлови	50 000,0
15	Мобил алоқа аксциз солиғи	2 450 000,0
16	Жарималар	

Халқ депутатлари
Муборак туман Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрдаги
223/57-5-сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун Қашқадарё вилояти Муборак туман бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини олувчиларга ажратиладиган ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**49 388 488,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**49 388 488,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Индексация маблағлари	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бўлими**	**4 519 790,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 519 790,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**3 188 170,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 188 170,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3.	**Соғлиқни сақлаш бўлими**	**21 841 740,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	21 841 740,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият бўлими**	**934 206,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	934 206,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**358 133,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	358 133,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**4 834 038,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 834 038,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**957 130,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	957 130,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8	**Ирригация тизимлари ҳавза бўлими**	**1 127 319,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 127 319,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
9	**Ветеринария бўлими**	**497 381,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	497 381,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10	**Меҳнат бош бўлими**	**574 850,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	574 850,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11	**Адлия бўлими**	**61 268,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	61 268,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12	**Молия бош бўлими**	**5 631 865,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 631 865,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13	**Давлат ҳокимият органлари**	**1 488 941,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 488 941,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**54 597,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	54 597,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
15	**Пенсия жамғармаси**	**320 913,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	320 913,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
16	**Туман захира жамғармаси**	**729 879,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	729 879,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
17	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**	**2 268 268,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 268 268,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

Халқ депутатлари
Муборак тумани Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрдаги
223/57-5-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан Муборак туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Яғона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Муборак тумани	0	100	0	100	100	15	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Муборак тумани Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрь даги
223/57-5 -сонли қарорига
5-илова

Муборак туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**45 452 755,0**	**49 388 488,0**
Муборак тумани	45 452 755,0	49 388 488,0

Халқ депутатлари
Муборак туман Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрь даги
223/57-5 -сонли қарорига
6-илова

Муборак туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
Муборак тумани	3 935 733,0

Халқ депутатлари
Муборак тумани Кенгашининг
2019 йил «18» Декабрь даги
223/57-5 -сонли қарорига
7-илова

Муборак туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармасининг миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Муборак тумани	729 879,0